

Саудиядаги халқаро мусобақада ўзбекистонлик қори қатнашади



17:55 / 24.08.2023 1083

Тошкент ислом институтининг жорий 2023 йилги битирувчиси, Мирзо Улуғбек тумани "Олтин тепа" жоме масжиди имом ноиби Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов Маккаи мукаррама шаҳрида ўтказиладиган 43-халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. (<https://t.me/muslimuzportal/34692>)

Сафар олди Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қуръон ва тажвидни ўргатиш бўлими мудир шайх Алижон қори Ҳабибуллоҳ қори Олимжоновни қабул қилиб, халқаро мусобақада қатнашиш малакаси борасида муҳим эслатма ва тавсияларни бериш баробарида қоримизнинг ҳаққига хайрли дуолар қилди.

Маълумот учун, мазкур халқаро мусобақа шу йил 25 августдан 6 сентябрга қадар давом этади.

Эслатиб ўтамиз Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов 2021 йилда ҳам Қирғизистонда бўлиб ўтган халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этиб, совриндор бўлган эди.

Аллоҳ таоло Ватанимиз шаънини ҳимоя қилаётган Ҳабибуллоҳ қорига улкан зафар ва муваффақиятлар ато этсин!

